Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши. № 48 (13.608).
25 ФЕВРАЛЬ 1967 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ОКТЯБРНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ ВА САЙЛОВЛАР ШАРАФИГА СОВҒАЛАР

НОМЗОДЛАРИМИЗ ТҮҒРИСИДА ҲИКОЯ

РИЗАМАТ ОТА ЧАҚИРИҒИГА ЖАВОБ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ УЛКАН ҚУРИЛИШЛАРИДА

ЮКСАК УНВОНЛАР

Совет маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари, социалистик реализмнинг умумхалққа маҳзур бўлган ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга актив кўмаклашаётган бадиий асарларни яратганликлари учун, самарали жамоат фаолиятлари учун ёзувчилардан Михаил Александрович **Шолоховга**, Константин Александрович **Федингa**, Александр Евдокимович **Корнейчукка**, Леонид Максимович **Леоновга**, Мирзо **Турсунзодага**, Павел Григорьевич **Тичинага** ва Андрей Мартинович **Упитга** СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилди ва **Ленин** ордени билан **«Уроқ ва Болға»** олтин юлдузи топширилди. (ТАСС)

А. Н. КОСИГИН АНТАЛА АПРОНИ ВА В. ДАВИДНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Москвада меҳмон бўлиб турган Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Революцион Ишчи-деҳқон ҳукумати раисининг ўринбосари Антала Апрони ва Венгрия Халқ Республикаси Госплани раисининг ўринбосари Иштван Хетенини 24 февралда Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко ва СССР Ташқи ишлар министрлиги 5-Европа бўлимининг мудири С. Т. Аставин қатнашдилар.

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 24 февралда Кремлда Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри В. Давидни қабул қилди. Чехословакиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси О. Павловский В. Давидга ҳамроҳ бўлиб келди. А. Н. Косигин билан В. Давид ўртасида самимий ўртоқларча суҳбат бўлиб ўтди. Бу суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Совет Иттифоқининг Чехословакиядаги элчиси С. В. Червоненко қатнашдилар. (ТАСС).

НАШРИЁТЧИЛАР ВА ПОЛИГРАФЧИЛАР КЕНГАШИ

23 февралда Тошкентда Ўзбекистон нашриётлари, полиграфия корхоналари ва китоб савдоси партия-хўжалик активининг республика кенгаши бўлди. Кенгашда область матбуот бошқармаларининг бошлиқлари, нашриётларнинг директорлари, область ва шаҳар босмахоналарининг директорлари, Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмасининг ходимлари, полиграфия корхоналари ишлаб чиқариш илғорлари қатнашдилар. Республика Министрлар Совети Давлат матбуот комитетининг раиси З. И. Есенбоев Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат комитети корхона ва ташкилотларининг 1966 йилги ишлаб чиқариш фаолияти якунлари ҳамда 1967 юбилей йилининг вазифалари тўғрисида сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари нашриётлар, полиграфия корхоналари ва китоб савдоси коллективларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини мақуллашдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети раисининг ўринбосари Н. И. Спихнулин қатнашдилар. (ЎзТАГ).

БЕДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Фарғона область партия комитетининг навбатдаги пленуми обкомнинг биринчи секретари Ўртоқ Ф. Шамсиддиновнинг областда бедачилик хўжалигини яхшилаш ва алмашлаб экишни йўлга қўйиш ишларининг бориши ҳақидаги докладни муҳокама қилди. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар областнинг қатор хўжаликларида бедачиликни ривожлантириш ва ялпи алмашлаб экишни йўлга қўйиш ночор аҳволда эканлигини, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш қониқарсиз бораётганини таъкидладилар.

Пленум бедачиликни ривожлантириш ва алмашлаб экишни йўлга қўйиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган қарор қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов қатнашди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Ўртоқ Х. Умаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан обком секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилинди. Обком секретари ва бюро аъзоси қилиб ўртоқ В. Содиқов тасдиқланди.

М. МАНСУРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан

Ўзбекистон пойтахтини тиклашда иштирок қилаётган навоийликлар сафига янги-янги бинокорлар қўшилмоқда. Навоийдаги 5-қурилиш-монтаж трестининг иккинчи сувоқчилик-бўёқчилик участкаси коллективи ўзининг энг яхши мутахассисларидан 150 кишини Тошкентга жўнатди. Булар орасида Анна Фозилова, Роберт Богомолов бошчилигидаги бўёқчилар бригадалари ва Иван Фелькер бошлиқ дурадгорлар бригадаси бор.

Улар Қорақамиш массивида тошкентликлар учун уй-жойлар барпо қилаётган Навоий бинокорларининг асосий группасида ишлайдилар. Шу кунларда улар бинокорлик ишларининг тез суръатлар билан боришига кўмаклашмоқдалар.

* * *

Бугун Амударёнинг ўнг соҳилида, Нукус шаҳри доирасида Бухоро гази ёна бошлади. «Зангори олов» Қорақалпоғистон пойтахтига Бухоро — Урал газ қувуридан етиб келди. 19 километр узунликдаги газ қувури тармоғи Амударё ва бир неча каналларни кесиб ўтди, улар тагига эса дюкерлар ётқизилди. Нукус шу йилнинг ўзидаёқ 5 миллион кубометрдан кўпроқ табиий газ олади.

* * *

Мамлакатнинг қишлоқ механизаторлари кўклам арафасида 755 мингдан кўпроқ тракторни ремонтдан чиқардилар. Бу эса, ремонт талаб қилган ҳар юз машинадан қариб 90 таси далага чиқишга тайёр, демакдир.

Молдавия ва Грузиядаги хўжаликлар машина-механизмларнинг кузги-қишки ремонти планини биринчи бўлиб бажардилар. Украина механизаторлари топшириқни асосан тугалладилар. Қозоғистон, Қиргизистон ва Озарбайжон колхоз ва совхозлари топшириқни бажарай деб қолди. РСФСРда тракторларнинг 83 проценти ремонтдан чиқарилди.

Иттифоқдош республикаларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалик машина-механизмларини ремонт қилиш соҳасида ўтган йилги суръатдан анча ўзиб кетишди.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ПАХТАЗОР ШАЙДОСИ

Колхоз партия ташкилотининг мажлиси тун ярмигача чўзилди. Тортишувлар бўлди. Гап Янгиобод участкасида пахта ҳосилдорлигини ошириш, қолоқ 7-бригадани илғорлар сафига кўтариш устида ҳам борди. Ниҳоят ҳамма бир фикрга келди. Азиза Мирзаевани бригада бошлиқлигига тавсия қилдилар.

— Бу ишни уддалай олмасам-чи? — эътироз билдирди Азиза опа

— Коммунистнинг қўлидан келмаган иш борми? — Гапни чўрт кесди секретарь.

Тонгда Азиза опа бригада даласига борди. Бригада аъзолари уни илиқ кутиб олишди.

Қизғин иш бошланди. Далаларга зумрад сепини ёйиб, дарахтларни гулга буркаб навбаҳор келди. Бригада аъзолари кўклам экишига пухта ҳозирлик кўрдилар. Универсалчи йигит Бозор Алиев барака уруғини экди. Далалар яшил квадратлардан либос кийди. Қийғос униб чиққан ғўзалар ёз бўйи парвариш қилинди. Мўл ҳосил етиштирилди. Механизация шарофати, йигит-қизларнинг ғайрати, тиниб-тинчимас бригадирнинг тадбиркорлиги туфайли ҳосилдорлик бир йилдаёқ 13 центнерга ошди.

«Оқ олтин» шайдоси Азиза Мирзаева бошқараётган бригадада ҳосилдорлик йил сайин ошиб борди. 1963 йилда 124 гектарнинг ҳар гектаридан 31 центнердан, Ўзбекистоннинг 40 йиллик туйи йилида гектаридан 34,5 центнердан ҳосил олиниб, она-Ватанга 320 тонна Тошлоқсой дурдонаси армуғон этилди.

Меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Қишлоқ меҳнаткашлари элсевар Азиза опани бир неча сайловдан буён Сурхондарё область Советига депутат қилиб сайлашди.

Депутат — халқ хизматкори. Буни яхши тушунган А. Мирзаева сайловчиларнинг наказларини бажаришга интилмоқда. Колхознинг Карсаган, Янгиариқ қишлоқларида мактаб ва медицина пункти қуриш ҳақида депутатга наказ берилган эди. Булар 1966 йилда тўла бажарилди. Янгиобод қишлоғида 250 ўринли болалар боғчаси биноси қурилди.

Азиза опа кишиларга меҳрибон. Уруш йилларида ота-онасидан жудо бўлган Хайитгул Шерипова Азиза опанинг қўлида тарбия топди. Хайитгул Азиза опани ўз онасидек кўради.

Шу кунларда Тошлоқсой баҳодирлари енг шимариб меҳнат қилишяпти. Бригада механизаторлари Бозор Алиев, Исмоил Хўжаев, Турсун Исоқовлар телекаларда далага ғўнг ташиб чиқармоқдалар. Меҳнатсевар Турсуной Мусаева, Олтин Жумаева, Хуморой Қодирова, Ҳамро Бўриева, Нор Шоймардоновлар ариқ-зовурларни тартибга келтиришда жонбозлик кўрсатишяпти. Бригада аъзолалари бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилганлар.

Пахтазор шайдоси Азиза Мирзаеванинг бахт юлдузи қулди. Уни партия ва ҳукуматимиз олий нишон — Ленин ордени билан мукофотлади.

Яқинда Шўрчи районидаги «Оқ олтин» колхози клубида бўлган йиғилишда Азиза Мирзаевани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига 327-Ленинград сайлов округидан номзод қилиб кўрсатишди.

Н. ҚОРАҚУЛОВ.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Умридан барака топсинлар Ризамат ота. Қаридим демайдилар, тинчимайдилар. Юртни боғ-роғга айлантиришнинг режасини тузганлари тузган.

Юртимизни кўркам боғга айлантиришдек хайрли ишга, савоб ишга ўз тенгқурларингизни, ёшларни, ҳамма-ҳаммани чорлаб яхши қилибсиз. Инқилобнинг ярим асрлик юбилейи тўйига ёруғ юз билан бораман деган одам хоҳ ҳовлисига, хоҳ кўчасига бўлсин мевали дарахт ўтказиши, тошлоқ ерларда боғлар барпо қилишга ўз улушини қўшиши яхши гап.

Фарғона аслида боғ-роғлар ўлкаси. Унинг бир неча минг гектарли узумзорлари, мевазорлари бор. Фарғона деганда кўз олдингиздан Нурсуқ ва Сармозорнинг тилёрар узумлари, Олтариқнинг юмшоқ бодомлари, Риштоннинг дунёга донги нетган ўриллари, Қуванинг антиқа анорию, Оққўрғон анжири, Маргилоннинг луччак шафтолиси бир-бир ўтади. Афсуски, улар ҳамма ерда бирдай кўпайтирилаётгани йўқ. Ҳатто баъзи мева-чеваларимизнинг навлари йўқолиб кетяпти. Шунисига ачинамиз. Бир вақтлар Олтариқ ўзининг юмшоқ бодоми билан машҳур эди. Кейинги йилларда у топилмай қолди.

Бир вақтлар Заркентнинг, Миндоннинг хушрўй беҳилари бўлардн. Нега ҳозир ўша беҳилар кўринмай қолди. Ҳар бир колхозда 5-6 гектардан ер топиб, уни беҳизор қилишга қудратимиз етмайдими, етади. Олтариқдаги «Партия XXII съезди», Попдаги Ленин номли, Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли, Фарғона районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли хўжаликларнинг раҳбарлари боғ-роғларни йилдан-йилга кенгайтириш тадбирларини кўраётирлар. Риштон районидаги «Коммунизм» колхозида беҳи ва узумзорлар 72 гектарга етди. Бу хўжаликлар натта даромад олишаётир. Попдаги дашт ерларда ташкил топган Генерал Узоқов номли боғдорчилик совхози ўтган йили давлатга 490 тонна ўрнига 1000 тоннадан ортиқ узум топшириб, 193 минг сўм даромад қилди.

Нурсуқ азалдан қорачарос узуми билан машҳур. Ленин бу узумлар Ўзбекистон ва Киров районининг бошқа жойларида экилмаяпти.

Фарғона—Водил йўлининг икки четидаги тошлоқ ерларни бодомзор ва ўринзорларга, узумзорларга айлантириб юбориш мумкин. Фарғона—Қўқон йўли ёқасида ҳам боғ-роғлар барпо қилиш мумкин. Аммо область суғориш системалари бошқармаси раҳбарлари бу ерларга сув чиқариш тадбирларини кўришмаётир.

Марказий Фарғонада ташкил топган Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозларининг узумлари Асаканинг узумларидан қолишмайди. Бу колхозларнинг тажрибаси Марказий Фарғона ерларида узумзорлар барпо қилишга дадил киришиш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Фарғона, Марғилон, Қўқон, Қувасой шаҳарларининг коммунал хўжалик бошқармаларига натта эътиборимиз бор. Бу шаҳарларнинг кўчаларида нима учундир мевали дарахтлар ўстиримаётир. Боғонани қаранг: мевали дарахт шаҳарни ифлос киларкан...

Ҳурматли Ризамат ота, биз Сизнинг хатингиз баҳонаси билан кўнгилда йиғилиб қолган анча гапларни айтиб олдик.

Аминимизки, сизнинг бу чақиригингизга ҳам минглаб кишилар, лаббай деб жавоб берадилар, янги боғ-роғлар бунёд этадилар.

Тожибой БОЙМАТОВ,
Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхозининг чўлдаги Янгиқадам участкаси боғбони.

Тожиддин КАРИМОВ,
Олтариқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг боғбони.

Раҳимжон ота МАЪРУПОВ,
Риштон районидаги «Риштон» совхозининг чўлдаги Меҳнатобод бўлимининг боғбони.

Ҳусанхон АБДУРАҲМОНОВ,
Бағдод районидаги «Ҳамзаобод» совхозининг боғбони.

Тожихон ШОДИЕВА,
Фарғона районидаги Усмон Юсупов номли боғдорчилик совхозининг директори.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Одесса қурилиш поездининг бинокорлари Тошкент марказида янги уй-жойлар қуришга киришдилар. Суратда: одессалик қурувчиларнинг вакили — пайвандчи Н. Плансивий.

Одессалик қурувчилардан А. Иванова ва В. Химич ўртоқлар Тошкент қурилишларида баранали меҳнат қилмоқдалар. Улар смена топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этяптилар.

А. ТУРАЕВ фотоси.

◆ ● ◆

Тошкент области. Қурама тоғларида хазина иштиёқида қалби тепиб, кон излаётган геологлар учун Кўчбулоқ ва Гўшсой посёлкалари қурилди. Чодирлар ўрнида шинам уй-жойлар қад кўтарди. Суратда: Гўшсой посёлкасининг кўриниши.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Қ. Дўлаев, Х. Мамажонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар куни планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш билан Ҳайробод пахта тозалаш заводи коллективида пешқадамликни эгаллаб келаётирлар. Бу коллективлар беш йиллигининг иккинчи йили бир ярим ойлик топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Кейинги бир ойнинг ўзида завод пахта тозаловчилари мўлжалланганидан 7 процент ортиқ маҳсулот тайёрлашга эришдилар. Тола ажратувчи Р. Эронов, пресловчи Ж. Раҳматов, ускуналарни созловчи Т. Шоймуродов ўртоқлар смена нормаларини 1.5 ҳиссадан адо этишга муваффақ бўлаётирлар.

Р. БОЙНАЗАРОВ.
Сурхондарё области.



Резервлар—беш йиллик хизматида

АРИҚЛАР «ТЎН» КИЙДИ

Ариқлардан сув оққанда ҳар кеча-кундузда арик сатҳининг 100 квадрат метрида ўрта ҳисобда 3000-4000 литр сув ерга шимилиб кетади. Натижада оқиб келаётган сувнинг 40 проценти нобуд бўлади.

Ариқда сувнинг шимилиб кетмаслиги учун нима қилиш керак? Бу соҳада кўпгина мутахассислар изланмоқдалар, Анчагина ютуқлар ҳам қўлга киритилган. Ариқнинг сатҳини бетонлаш, темир-бетон плиталар ётқизиш, новпардан фойдаланиш шу соҳадаги изланишларнинг дастлабки самаралари бўлиб чиқди. Лекин бу усулда иш тутилганда ҳам сарф-харажатлар кўпайиб кетмоқда, материаллар етишмай қолмоқда.

Айниқса янги ўзлаштирилаётган ерлардаги ариқларда кўп сув исроф бўлаётир. Бордию, арик сатҳига ётқизилган бетоннинг дарз кетган жойидан, плиталар, новларнинг чокларидан сув силжигудек бўлса, уларнинг тагидаги замин чўкади, ариқнинг шу жойи бузилади. Натижада ариқдан фойдаланиш машаққат бўлиб қолади. Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтининг қурилиш материаллари лабораторияси коллективи бу масалани ижодий ҳал қилишга киришди.

Бунда улар химия мўъжизаларидан фойдаланишга қарор қилдилар. Ариқларни қоплашда эгилувчан, сув ўтказмайдиган, битумдан ишланган йиғма материалдан фойдаланиш ҳар жиҳатдан қулай эканлигига иқрор бўлишди. Ариқларда сувнинг сингиб кетмаслигини таъминлайдиган антиқа «тўн» тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Аввало, битум махсус қозонга солиниб 100-180 даража иссиқликда эритилади. Кейин маълум миқдорда автол ёки трансформатор мойи, минерал момиқ солиниб аралаштирилади. Шу усулда ноёб коришма вужудга келади. Махсус қолипларга аввал шиша толасидан тўқилган газмол ёйилиб, устига ҳалиги коришма қуйилади. У яхшилаб текисланади. Коришма совугандан кейин газмолга қаттиқ ёпишиб қолади. Шиша толасидан тўқилган газмол энди арматура вазифасини бажаради.

Шу йўл билан қалинлиги 8-10 миллиметр, эни 0,7-1,5 метр, узунлиги ариқнинг катта-кичиклигига қараб 6 метргача бўлган материал тайёрлаш мумкин. Махсус установкаларда 4 киши ёрдами билан бир сменада 100-120 квадрат метр махсулот ишлаб чиқарилади. Янги материал бронеизол деб аталади. Ўрта Осиё иқлимига мослашган, иссиқ ва совуққа чидамли бронеизол 90 даража иссиқликдагина юмшайди. 4 атмосфера босимга ҳам дош беради. Бир квадрат метри 8 килограмм келади.

Антиқа «тўн»ларни ариқларга «кийгизиш» қийин эмас. Ариққа бир-икки марта сув юборилиб сўнг текисланади. Тахтатахта қилиб тайёрланган материалларни арик юзига ёнма-ён текис қилиб сув оқими бўйича териб борилаверади. Сув сизиб кетмаслиги учун навбатдаги материал олдинги материалнинг тагига 6-10 сантиметр киритиб қўйилади. Ҳосил бўлган чоқ оддий керосин қавшарлаш лампаси билан эритилиб, кейин совитилса мустаҳкам бўлади. Сув ўтказмайдиган чоқ ҳосил бўлади. Бронеизолнинг иккинчи учи ариқ лабига мустаҳкамлаб қўйилади.

Бундай материал арзонга тушади. Ариқ бетонланганда бир квадрат метр учун 2,5-3 сўм харажат қилинади. Бронеизол билан қопланганда эса сарф-харажат 1 сўм 60 тийин ва 1 сўм 80 тийиндан ортмайди. Лаборатория ходимлари ана шу материални биринчи бор Тожикистон ССРнинг «Таджикгидрострой» тресті билан ҳамкорликда тажриба қилиб кўрдилар. Колхозобод районида магистрал каналнинг 3200 метр узунликдаги қисми шундай материал билан копланди. Иттифоқда биринчи марта ирригацияда қўлланилган бу янгилик яхши натижалар бериш аниқ. Ҳозир бу материал республикамизнинг Бўка районидаги каналларга ҳам копланмоқда. Бронеизол ирригаторларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Ш. МАҲМУДОВ,
инженер.

12 МАРТ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳалли Советларга сайловлар КУНИ

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республикада сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан бўлаётган учрашувлари давом этмоқда.

Тошкентдаги 152-мактабнинг мажлислар залига Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органи сайлов ўтказувчи 6-Горький сайлов округи меҳнаткашларидан икки юздан кўпроқ киши келди. Улар шу округдан депутатликка номзод — Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг стерженчиси **Людмила Александровна Реут** билан учрашдилар.

Ишончли вакил — шу корхона чўян эритиш цехининг эритувчиси Я. Д. Деркач тўпланганларга депутатликка номзодни таништирди, унинг ҳаётий йўли, меҳнат ва жамоат фаолияти тўғрисида батафсил гапириб берди ва сайловчиларни 12 март—сайлов куни ишчилар синфининг муносиб вакили учун овоз беришга чақирди. Ана шу сайлов олди йиғилишида сўзга чиққан сайловчилар депутатликка кўрсатилган номзод тўғрисида саммий гапларни айтишди. Шу билан бирга, улар депутатликка номзод олдига қўйилган наказларга бир қанча таклифларини қўшимча қилишди. Жумладан, Ленин районини тезроқ ободонлаштириш тўғрисида, яна бир кинотеатр, шунингдек Қорасувда стадион қуриш кераклиги ҳақида, савдо корхоналари ва шаҳар транспорти ишини тартибга солиш тўғрисида гап борди.

Йиғилиш пировардида йиғилиш аҳли томонидан саммий кутиб олинган Л. А. Реут нутқ сўзлади. У, ўзига кўрсатилган шараф учун миннатдорчилик билдирди ва халқ ишончини оқлаш учун қўлимдан келган ҳамма ишларни қиламан, деб ваъда берди.

11-Куйбишев округининг сайловчилари республика Олий Совети депутатлигига номзод — «Ташкенткабель» заводи прокат цехининг бошлиғи **Юрий Иванович Ильичев** билан учрашдилар. 34-мактабда 34-Каттабоғ округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод — Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, Ҳамза номидаги ўзбек академик театри актёр-режиссёри **Олим Хўжаев** билан сайловчиларнинг учрашуви бўлди. 36-Чилонзор округидаги сайловчилар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган 1- Тошкент уйсозлик комбинатининг бошлиғи **Ашраф Аброрович Кашипов** билан учрашдилар.

Мирзачўлдаги 3-«Боёвут» совхозида сайловчиларнинг 330-«Боёвут» сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган шу совхоз комплекс механизациялаштирилган пахтачилик бригадасининг раҳбари **Месут Решетов** билан учрашуви бўлди. Жеттисой районидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси — 334-Жеттисой сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод **Мария Петровна Зотова** ҳам ўз сайловчилари билан учрашди.

425-Манас сайлов округининг сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод — Хоразм область, Шовот районидаги «Правда» колхози пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси **Анагул Машарипова** билан учрашдилар.

АГИТПУНКТ ЧИРОҚЛАРИ

Андижон районидаги Энгельс номли колхоз правлениеси биносига жойлашган агитпункт яхши безатилган. Совет сайлов системаси тўғрисида, социалистик мусобақани кучайтиришга оид, илғор тажрибалар тўғрисидаги плакат ва шиорлар осилган, колхознинг юбилей йилидаги режаларини кўрсатувчи рақамлар алвонга ёзилган. Газета ва журналларнинг янги сонлари, турли хил брошюра ва сайлов тўғрисидаги Низомлар тартиб билан қўйилган. Бу ерда 46 агитатор бор. Улар сайловчилар орасида «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик система», халқаро аҳвол каби муҳим мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказишаётир.

Р. ИМИНОВ,
ишчи.

●

Хоразм область, Ҳазорасп районининг Отов участкасига жойлашган агитпункт шу кунларда айниқса гавжум. Бу ерда газета ва журналларнинг янги сонлари ўз вақтида олинмоқда. Ўз сафига 30 кишини бирлаштирган агитаторлар коллективи сайловчилар ўртасида намунали иш олиб бормоқда. Отахон Солиев, Ғайрат Эгамбердиев, Ботир Матёқубов, Бахтиёр Рўзметов, Озод Иброҳимов, Дурди Жуманиёзов каби ишчан агитаторлар иши кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Ш. ИСМОИЛОВ,
педагог.

●

Калинин районидаги «Москва» совхозига жойлашган агитпункт сайловчиларнинг севимли жойи бўлиб қолди. Агитпункт яхши жиҳозланиб турли шиор ва плакатлар билан безатилган. Айниқса, қизил бурчакда ташкил этилган Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига бағишланган стенд ва кўргазмалар кўпчиликнинг диққатини тортмоқда. Сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун справка бюроси ташкил этилган.

Агитпунктда оммавий-сиёсий ишлар қатъий план асосида олиб борилмоқда. Яқинда бу ерда агитаторлар семинари бўлиб ўтди. Турли темаларда савол-жавоб кечалари, ёш сайловчиларнинг кекса коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари, депутатликка номзодлар билан учрашувларини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бунда агитаторлардан Т. Бухорбоев, Р. Мавлонов, Т. Есинбеков ўртоқлар намуна кўрсатмоқдалар.

Я. МАРДУХАЕВ.

Бошланғич ташкилот — партиянинг асоси

ЮКСАК ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

Қарши шаҳар партия комитети ўзининг кундалик иш фаолиятида бошланғич партия ташкилотларининг актив ёрдами ва қўллаб-қувватлашларига барча коммунистларнинг ижодий ғайрати ва снёсий активлигига таяниб иш тутмоқда. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш билан малакали шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Улар ҳар бир иш участкасида партиявий раҳбарликни кучайтира бориб, коммунистларга нисбатан талабчанликни оширмоқдалар.

Шаҳар саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1966 йил планини муддатидан 20 кун илгари бажарди. Планга қўшимча 1 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қариб 27 миллион сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий этиш ва ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини арзонлаштириш ҳамда ортиқча харажатларни камайтириш имконини берди. Натижада 200 минг сўм қўшимча фойда олинди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилгига нисбатан 12,2 процент кўпайди. Саноат ишлаб чиқариши бўйича январь ойи планлари ҳам муддатидан 5 кун олдин бажарилди. Барча корхоналарнинг коллективлари техника кўрсаткичлари бўйича давлат планларини ортиғи билан бажардилар.

«Каршистрой» бошқармаси республикадаги йирик қурилиш ташкилотларидан ҳисобланади. Бу ерда 7 мингга яқин ишчи, хизматчи, инженер-техник ходим, шу жумладан 350 дан зиёд коммунист меҳнат қилади. Коллектив беш йиллиқнинг дастлабки йилини улкан зафарлар билан нишонлади. Асрлар оша бўм-бўш ётган Пулизиндонда 28 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Таллимаржонда 22 минг, Қарши шаҳрида 17 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди.

Бошқарма коммунистларига механик А. Гриненко етакчилик қилади. У ҳамиша омма билан ҳамнафас. Коммунистларнинг ташвиш ва қувончларига доимо шерик. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турган коммунистлар ҳар бир ишда ташаббускор бўлишга, шахсий намуна кўрсатишга интиладилар. КПСС аъзоси В. Степаненко раҳбарлик қилаётган 4-йўл қурилиш бошқармаси коммунистлари бунга мисол бўла олади. Улар 1966 йил топшириғини муддатидан 2 ой илгари ўринлатдилар.

Пландаги 2 миллион 309 минг ўринга 3 миллион 17,5 минг сўмлик иш бажарилди. Бунда Бозоров, А. Арислонов ўртоқлар бошчилик қилаётган комплекс бригада коммунистларининг ҳиссаси каттадир.

Биз бошланғич партия ташкилотларимиз ташаббускорлигини оширишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширдик. Аввало шаҳар партия комитетида ўтказиладиган турли кенгаш ва мажлисларнинг сони қисқартирилди. Бу эса вақтни тежашга, масалаларни ҳал этишга ижодий ёндошишга ёрдам беряпти.

Бундан ташқари, шаҳар партия комитети ходимларининг диққат-эътибори корхона, муассасаларнинг иши билан яқиндан танишишга қаратилди, бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида кўрсатмалар берилди. Бу, яхши натижалар бермоқда. Мана бир мисол: 13-қурилиш трестига қарашли қурилиш материаллари комбинати кўп йиллардан бери давлат планларини бажармай келарди. Бунинг устига, маҳсулот сифати ҳам паст эди. Бу масала шаҳар партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Бироқ, шунинг ўзи билан чегараланиб қолмай, корхонадаги аҳволни чуқурроқ ўрганишда, камчиликларни бартараф этишда бошланғич партия ташкилотига ёрдам беришга қарор қилинди. Бюро аъзолардан К. Раҳимов, К. Қурбонов ўртоқлар комбинатда бўлиб, коллектив иши билан яқиндан танишдилар. Цех, участка ва бўлимларнинг ишчилари билан суҳбатлашдилар. Баъзи расмиятчи раҳбарларни алмаштиришга тўғри келди. Уларнинг ўрнига ишнинг кўзини биладиган ёш ходимлар тавсия этилди. Ҳозир комбинат қолоқликдан чиқиб олди. Коллектив 1966 йил планини муддатидан анча илгари бажарди.

Ўртоқ З. Бурашева етакчилик қилаётган ёғ-экстракция заводи бошланғич партия ташкилоти ҳам ўз ишини ҳозирги юксак талаблар даражасида ташкил этган. Коммунистларнинг ҳаммасида партия топшириғи бор.

Тикув фабрикаси шаҳардаги йирик корхоналардан бири. Фабрика партия ташкилоти ҳисобида 120 дан зиёд коммунист ишлаяпти. Улар социалистик мусобақа ташаббускорларидир. Коммунист Раиса Иванушкина дилкаш, ажойиб фазилатлари билан ишчилар ўртасида обрў қозонган. У раҳбарлик қилаётган бригада тикувчилари маҳсулот ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилаётир. Фабрикада ўрток Иванушкинага ўхшаган коммунистлар оз эмас. Корхона партия ташкилоти (секретари ўртоқ Ф. Солиҳова) ана шундай коммунистларни тарбиялаш ва юқори лавозимларга кўтариш, уларнинг тажрибасини кенг ёйишга алоҳида аҳамият бераётир.

Фабрикада 9 бригадага коммунистик меҳнат коллективи, 600 дан кўп мутахассисга коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрли ном берилган.

Шу билан бирга фабрика коллективининг ичида бир қатор нуқсонлар ҳам бор. Фабрикада мавжуд ускуналарнинг қувватидан унумли фойдаланилмаётир. Буюртмаларга алоҳида эътибор берилмаяпти. Партия ташкилоти ана шу нуқсонларнинг олдини олиш чораларини кўриши зарур.

Шаҳардаги барча бошланғич партия ташкилотлари КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, коммунистларнинг ижодий ташаббускорлигига бошчилик қилмоқдалар. Юбилей йили топшириқларини ошириб бажариш ва янгича иш шароитига ўтиш учун қизғин тайёргарлик кўряптилар.

А. БИТЮКОВ,
Ўзбекистон КП Қарши шаҳар комитетининг секретари.

МАИШИЙ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНЯПТИ

Фарғона областида сўнгги икки йил давомида 40 та комбинат ва павильонлар фойдаланишга топширилди. Ана шу объектлардан 21 таси қишлоқ меҳнаткашларига хизмат қиляпти.

Аҳолига маиший хизматни яхшилаш соҳасида Қува районида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Райондаги барча хўжаликларда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган нуқталар мавжуд. Райондаги «Ленинград» колхозида маиший хизматнинг саккиз хили, Карл Маркс номли колхозда беш тури кўрсатилмоқда. Ленинград, Киров, Ўзбекистон ва Охунбобоев районларида ҳам аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланиб бораяпти.

Т. МАҲМУДОВ.

Хоразм области. Гурлан районидаги қўриқ ерларда янги уруғчилик хўжалиги ташкил этилди. Бунга «Октябрь 50 йиллиги» номи берилди. Хўжаликда беда, маккажўхори, оқжўхори ҳамда полиз экинлари учун уруғлар тайёрланади. Бу маҳсулотлар Хоразм ва Бухоро областларига ҳамда Қорақалпоғистон Автоном Республикаси колхозларига юборилади. Ҳозир колхозда ерларни экишга тайёрлаш, суғориш шохобчалари ва коллекторлар қуриш каби зарур ишлар тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Суратда: Урганчдаги қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаваторчилар бригадасининг раҳбари Ҳамро Сафоев. Бу бригада суғориш каналларини очишда кундалик нормани икки ҳисса қилиб бажармоқда.

Н. Ключнев фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

КОРХОНА

Корхонада ноябрь ойи плани бажарилмай қолди. Бунинг сабаблари бор албатта. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан олинадиган зарур материаллар ўз вақтида етиб келмади, бунинг устига завод моддий-таъминот бўлимининг ходимлари, ҳал қилувчи участкаларнинг раҳбарлари тадбиркорлик билан ҳаракат қилмадилар. «Химмаш» ҳаётидаги бу фавқулодда ҳолат директорни ташвишлантирмай қолмади: «Дард вақтида даволанмаса сурункали бўлиб қолиши турган гап».

Кенг хонага ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Х. Х. Вишняков, унинг янги маҳсулот ўзлаштириш бўйича ўринбосари Н. И. Литвин, бош энергетик Р. И. Баранников, бош механик Х. Низомов ва бош технолог А. И. Самков ўртоқлар кириб келганида директор тўрдаги столда қандайдир қоғозлар устида бош қотирар. ўзича нималарнидир ҳисоблар ва мулоҳаза қилар эди. Қисқагина маслаҳат-кенгашга тўпланганлар директор рўпарасидаги узун стол атрофидан ўрин олишди. Леман Бекирович йиғилганларга разм солди-да, қўлидаги қалам билан қоғозларни оҳиста чертиб гап бошлади:

— Ойлик план бажарилмаганлигининг сабабларини фақат корхонамиздан қидиришимиз, айбни нуқул ўзимизга қўйишимиз мумкин. Чунки янги маҳсулот ўзлаштиришга тайёргарлик бахонаси билан кўпинча асосий ишни унутиб қўйдик. Кеч бўлса ҳам хатомизни англаб олдик. Хатони ган олишнинг ўзи — гузатишга бир қадам, дейишади. Материал таъминоти ҳақида энди ташвишланмасак ҳам бўлади. Бош инженер Маҳмуд Ҳамидович ҳам, директор ўринбосари Қаҳҳор Қосимович ҳам бир неча кундан буён шу масалада юришибди, улар кетган шаҳарлардан дастлабки вагонлар кела бошлади. Биз ишнинг энг «қалтис» жойини, янги маҳсулот чиқаришга тайёргарлик масаласини узил-кесил ҳал қилиб олишимиз керак...

Леман Бекирович стол устидаги қоғозларни яна қўлига олди. У декабрда ўтган ойдан қолган «дог»ни ювиш учун 2-3 кун ичида янги маҳсулот — электролизёр узеллари тайёрлаш технологияси ишлаб чиқишни тугаллаш ва гальван цехини ишга туширишга зарурлигини айтди. Ўтирганларнинг ҳар биридан ўз соҳаси бўйича бажариладиган ишлар муддатини аниқлагач, қоғоз чекасига белги қўйди.

—Иш муддатини ўзларингиз белгиладингизлар, — деди директор. — Охирги муҳлат—уч сутка. Ҳар суткада уч смена, уч иш куни борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Агар ана шу муддатда ҳам ишнинг битмай қолиши хавфи бўлса дарҳол мени хабардор қилинглар. Менинг гапим шу. Сизларда бошқа мулоҳаза бўлмаса — ишларингизга муваффақият!

Леман Бекировичнинг болалик чоғлари, ўз тенгқурлари сингари олоғли йилларга тўғри келди. Жуда ёшлигида етим қолган Леманнинг бахти Октябрь инқилоби туфайли очилди. Очлик ва ялонғочликка маҳкум этилган болани Совет давлати, болалар уйи иссиқ қучоғига олди. Иқболидан мамнун бола Лениндай улуғ падарга муносиб фарзанд бўлиш мақсадида 1922 йили комсомол сафига кирди, билим юртида ўқиди. Унинг меҳнат фаолияти 1926 йилдаёқ бошланган эди. Аввал муаллим, халқ маорифи бўлимида инспектор ва мудир... Аммо йигитнинг қалбида бошқа орзу, ўзгача мақсад тугён қила бошлади. Леман инженер бўлмоқчи, Ленин ГОЭЛРОсига хизмат қилмоқчи эди.

Йигит орзусига эришди. У 1930 йилда Москва энергетика институтига ўқишга кириб, беш йилдан кейин инженерлик дипломини олди. Ҳукумат комиссияси ёш инженерни «Азовсталь» электростанциясига ишга юборди. у кейинчалик шу ерда қурилиш бошлиғи ва станция ишга тушгач унинг директори бўлиб қолди.

1938 йилда ёш мутахассиснинг ҳаёт йилномасига яна бир унутилмас саҳифа ёзилди. У КПСС аъзолигига қабул қилинди. Коммунист ўртоқ Бекиров партия юборган ҳар қандай участкада ҳам зўр ғайрат ва матонат билан ишлади, билмаганини ўрганди, билим ва тажрибасини тенгдошлари ва ҳамкасблари билан баҳам кўрди. Улуғ Ватан уруши йилларида кўплар қатори Леман Бекирович ҳам Ватан мудофаасининг олдинги сафларида бўлди. У давлат хавфсизлиги органларининг мэсъул лавозимларида ишлаб, кўзга кўринмас фронтда жанг қилди.

Урушдан кейинги беш йиллиқнинг биринчи йилини эсланг. Издан чиққан экономикани тинч қурилиш йўлларига солиш, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш вазифалари турарди. Уруш касри Наманган экономикасига ҳам путур етказган эди. Дизель электростанциялар ишлолмайдиган ҳолга келган, шаҳарда 50 киловатт қувватга эга биттагина трансформатор қолганди. Ўша йили жанговар хизматдан бўшаб келган энергетика инженери ўртоқ Л. Б. Бекиров шаҳар электростанциясига директор қилиб тайинланди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати урушдан кейинги қисқа давр ичида мамлакатнинг ҳамма жойида тинч қурилишни бақиёс авж олдириш учун маблағ ва материални етказиб берди. Наманганда бирин-кетин тўртта ГЭС қурилди. трансформаторлар сони 170 га етди. Наманган ГЭСлари тўла автоматлаштирилди ва телебошқаришга кўчди. Юқори вольтли электр симлари шаҳар нурхоналарини республиканинг ягона энергетика халқаси билан бирлаштирди. Бу ишларнинг ҳаммасига тадбиркор ва камтар, талабчан ва ғамхўр коммунист Леман Бекирович бошчилик қилди.

Етти йилликнинг зафарли одими туфайли мамлакатда 5,5 минг янги корхона бунёдга келди. Намангандаги химия машинасозлиги ва трансформатор заводлари ҳам етти йилликнинг тўнғич корхоналаридан. Бу корхоналарнинг «таржимаи ҳоли» 1962 йилда бошланган. Корхоналар ташкил этилаётган пайтда юқори малакали ва ишнинг кўзини биладиган, ҳар қандай қийин ишни ҳам уддалай оладиган моҳир ташкилотчи керак эди. Партия органлари бу иккала мураккаб вазифани коммунист ўртоқ Л. Б. Бекировга топширди. Трансформатор заводининг маҳсулоти ҳозир Иттифоқимизнинг турли шаҳарларига, қардош социалистик мамлакатларга жўнатиб турилибди.

Леман Бекирович химия машинасозлиги заводининг ташвиши билан яшаяпти, корхонанинг «суягини қотиришга» куч сарфлаяпти. 4 йил тажрибан қисқа давр. Лекин шу муддат ичида завод ташкилий давр қийинчиликларини енгиб, шаҳардаги илғор корхоналар қаторидан ўрин олди, унинг территорияси эса директорнинг тугма одатига кўра гулзор-боқ айланди.

Химия машинасозлиги заводи ҳозирга қадар бир тонна юкни масофага ташийдиган ва 4, 5 метр баландликка кўтариб берадиган электроштабеллар ишлаб чиқарар эди. Юқорида айтилганидек. корхона янги йилда ўз ихтисоси бўйича химия саноати учун «Р-101» типидаги электролизерлар учун узеллар ишлаб чиқара бошлайди.

Завод коллективи 1966 йил декабрда пландаги 44 ўринга 78 та электроштабелер ишлаб чиқарди. йиллик план эса ялпи маҳсулот бўйича қариб 102 процент адо этилди, пландан ташқари деярли бирнеча минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона план бўлими техника иқтисодий кўрсаткичларни ҳомчўт қилиб чиқди. Бир йилда меҳнат унумдорлиги 3,6 процент ортибди, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 350 минг сўм фойда олинибди. Ҳ. Улуғхўжаев бошлиқ механика цехининг, В. Д. Чекода бошлиқ йиғув цехининг азаматларига балли. Улар белгиланган графикни доимо ошириб бажардилар. Демак, директор рапортга ёруғ юз билан имзо чекади.

Леман Бекировичнинг бу билан иши-ташвиши тугамайди. У шаҳар Совети ижроия комитети аъзоси сифатида ижроия ишида қатнашиши, область Советининг депутати бўлгани учун сайловчилар наказини бажариши, шаҳар партия комитетининг аъзоси коммунист Л. Б. Бекиров бошланғич партия ташкилотларига кўмаклашиши керак.

Партия ва ҳукуматимиз Леман Бекирович хизматларини юксак қадирлади. Унинг кўксидаги бир қанча медаллар ёнига ўтган йили Меҳнат Қизил байроқ ордени қўшилди.

Саноатимизнинг жонкуяр ташкилотчиларидан бири. ишчан ва оқил раҳбар Леман Бекирович Бекиров яқинда 60 ёшга тўлди. Лекин ҳали у бардам, ёшларга хос куч-ғайрат билан меҳнат қиляпти.

Е. ОРТИҚОВ.
Наманган.

Октябрь ва инсон тақдири

ОТАХОНИ

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг февраль сони КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарори билан очилади.

Бу сонда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Рашидовнинг «КПСС XXIII съезди қарорларини бажариш йўлида» сарлавҳали мақоласи марказий «Партийная жизнь» журналининг 2-сонидан кўчириб босилган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. Абдалин «Маҳаллий Советлар янги босқичда» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган.

«Улуғ Октябрь 50 йиллигига» рубрикаси остида Октябрь революцияси номли завод парткомининг секретари К. Гнездилов, «Гудок красносточника» завод газетасининг редактори В. Моисеевларнинг «Ишчилар қалъаси»нинг традицилари барҳаёт» сарлавҳали мақоласи ўқиш мумкин.

Шунингдек, журналнинг «Ташкилий-партиявий иш», «Идеология иши ва ҳаёт» деган бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.

СУРЪАТ СУСТ

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Беш йиллик директиваларида Фаврона сунъий тола заводи қурилишини тугаллаш кўзда тутилган Корхона қурилиши асли 1964 йилда бошланган бўлса-да, бинокорлик ишлари суръати ҳамон сустлигича қолмоқда. Объектнинг бош пудратчиси — 8-қурилиш трестининг 4-қурилиш бошқармаси ва унга қарашли пудратчи ташкилотлар ўтган йили 2600 минг сўмлик ўрнига атиги 2315 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Бу йил ишда бир оз силжиш рўй берди дейиш мумкин. Бош корпусда темир-бетон конструкциялар монтажланмоқда. Совутиш-компрессор станциясида ускуналар ўрнатила бошланди. Марказий электростанция, химия ва ацетонни регенерациялаш цехларида технология ускуналарини монтажлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Аммо ҳозир қилинадиган иш жуда кўп. Бироқ, январь ойида 4-бошқармани 120 тагина бинокор ишчиси меҳнат қилди. Бу жуда оз. Бошқарма бош инженери ўртоқ Н. Седач, ишчи кучининг етишмаслиги қурилишнинг чўзилиб кетаётганлигига асосий сабаб, деб айтди. Ишт ерувчилар етишмаганлигидан электр станцияда иш тўхтаб қолди. Ацетил целлюлоза сақлаш ва қоришма пехида ҳам ҳеч ким кўринмайди. Қурилишнинг бу участкаларида бинокорлар ишламай қўйганига бир неча ҳафта бўлиб қолди.

Корхонанинг марказий ремонт устахонаси шу йил қуриб тамомланиши лозим. Лекин синч ва колоннадар, темир-бетон конструкциялар ва бошқа материаллар етказиб берилмаётганлиги сабабли устахонага ҳали пойдевор ҳам қўйилгани йўқ. Устахонани шу йил қуриб битказишдан мурод — завод корпуслари учун зарур бўлган ностандарт ускуналар етказиб бериш эди. Аммо бу мўлжал ҳам барбод бўлмоқда.

Январь ойида 182 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани бу объектда хонжамлик ҳукм сураётганлигига далилдир. Қурилишни материал ва ускуналар билан таъминлаш ҳам ўлда-жўлда. 14-трестга қарашли бинокорлик материаллари комбинати плита ва металл конструкцияларни ўз вақтида етказиб бермаяпти. 8-трестга қарашли Киргули полигони ҳам йигма темир-бетон ва арматуралар етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини адо этмаётир. «Узглавлестрой»га қарашли ёғочни қайта ишлаш заводи ишлаб чиқариш бинолари учун дарвозалар тайёрлаб беришдан негадир воз кечди.

Бош корпус қурилиши учун жуда муҳим бўлган махсус темир-бетон плиталар етказиб бериш масаласи тўла-тўкис ҳал килинган эмас. Ҳатто бундай плиталарни ким ишлаб чиқаради-ю ва қаердан етказиб берилади — бу ҳали ҳатто «Главстройиндустрия»даги ўртоқларга ҳам қоронги.

Сунъий тола заводи директорининг ўринбосари ўртоқ Б. Давидов ҳалигача қурилиш суръатларини тезлаштиришга оид тадбирлар графиги ишлаб чиқилмаганлигини айтиб берди. Чунки трест бу йил планини февраль ойи ўрталарида ишга олди. Бошқармага план қачон келиши ҳали номаълум. Ёрдамчи пудратчилар қанча иш бажаришларини ҳозирча ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Қисқаси, шу кварталнинг охиридагина қурилишда қанча иш бажарилиши ва яна қанча ишчи кучи ғалаб қилиниши аниқравшан бўлиши эҳтимол. Ҳозирча қурилиш ишлари суръати хуржунда.

В. ПРИШЧЕПА.

Шоймардон Қудратов изидан

ЮРИНГ, ЧЎЛ ҚУВАМИЗ

Шербипак йигит Шоймардон Қудратовнинг очиқ хати қалбимдаги орзуларимга қанот бахш этди. Ҳақиқатан оташ нафас, довюрак ёшларни чўл кутмоқда. Юринг дўстлар, чўлга борайлик. Ўлкамизнинг шу чекка-чекка бурчакларини боғбўстонга, «оқ олтин» маконига айлантирайлик. Қакраган бир қарич ер қолмасин. Ўтган йили комплекс механизациялашган бригада тузиб, қишлоқдан 13 километр узоқликдаги Қизилтепа массивига келган эдик. Нукул қум бағрига чигит қададик. Чўлнинг шамолини, сув танқислигини, бегона ўтларнинг хуружини — ҳамма-ҳаммасини енгдик. Рост гап, туш пайтида чой ичиб ўтирганимизда пиёламизга қум тўлиб қолар, шамол кўз очирмас эди. Бегона ўтни битта қўймай пошмапеш қириб бордик. 90 гектар майдоннинг 80 гектаридаги экинни машинабоп қилиб парваришладик. Ахир яхши ният билан енг шимарганда кейин астойдил меҳнат қилиш керак-да. Экин майдонлари четларига ўтқазилган тут кўчатларимиз барқ уриб ўсди, ҳосил мўл бўлди. Буни қаранг Шоймардон каби жон куйдириб, ақл-фаросат билан ишлаганимиз учун илгариги йили 23 центнердан ҳосил етиштирилган майдонларда 33 центнердан ҳосил кўтардик. Бир йил ичида ҳосилдорлик 10 центнерга ошди. Мен бригадани бошқариш билан бирга термм машинасида 150 тонна пахта тердим .Шогирдим Алижон Лутфиев 60 тонна пахта териб, биринчи синовдан муваффақиятли ўтди. Пахтамиз нукул биринчи сортга қабул қилинди. Шоймардон Қудратов айтганидай, инсоннинг орзу-умидлари бениҳоя чексиз бўлади. Бу йил мен ҳам юбилейга бирор эсда қоладиган муносиб совға тайёрласам дейман. Чўлга ҳаёт олиб кирсам деган орзудаман. Қизилтепа массивида ўтган йили атиги 14 центнердан ҳосил кўтарилган майдонлар бор. Ана шу ерларга борсам камида 30 центнердан ҳосил кўтараман.

Муҳаббат ФАХРИДДИНОВА,

Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхоз комплекс механизациялаш бригадасининг бошлиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор.

КИНО

«УСТОД НАВОЙ»

Бу гулшан ичра йўқдир
боқи гулига сабот,
Ажаб саодат эрур
қолса яхшилиқ била от.

Бу сўзлар улуғ Алишер Навоийники. Уз ишлари,давлат арбоби сифатидаги фаолияти, баракали ижоди билан авлодларни мамнун қилган, яхши ном қолдирган мўътабар зот — Алишер Навоийни Ватанимиз халқлари эъзозлайдилар, ҳурмат билан эслайдилар.

Узбек кинохроникачилари улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг шу йилнинг кузида мамлакатимиз жамоатчилиги томонидан кенг нишонланажак юбилейига бу ажойиб кинолентани армуғон қилурлар. Бор-йўғи икки пардадан иборат бу фильмда ҳужжатлар тили билан улуғ мутафаккир ва шоир, ўзбек адабий тилининг асосчиси, адабиётимизнинг нурли даҳоларидан Алишер Навоий ҳазратларининг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади. Киноҳужжатлар бизни Алишер туғилиб ўсган ерлар, билим олган Самарқанд обидалари, улуғ шоир умрининг охири кечган Ҳирот лавҳалари, амир Навоий қурдирган масжид, кутубхона, сарой, ошона, шифохона ва бошқалар билан таништиради. Узбекистон халқ артисти, Ҳамза мукофоти лауреати, режиссёр Малик Қаюмов билан ёш истеъдодли оператор Турди Нодиров Афғонистонда бўлганларида олиб келган қимматли кинокадрлар ғоят диққатга сазовордир. Ҳирот кўчалари, асор-атиқа ёдгорликлари, Навоий ташаббуси билан бунёд этилган иморатлар ва у кишининг муборак даҳмалари, халқнинг зиёратга келиши каби лавҳалари айниқса мароқли чиққан.

Фильм «Устод Навоий» деб аталади. Зеро, бунда ҳақиқатан ҳам зўр ва чуқур маъно бор. Алишер Навоий яратган ажойиб китоблар, ғазал ва достонлар, рисолалар кўз олдимиздан бир-бир ўтади. Улуғ Навоий китобларининг моҳир хаттотлар томонидан кўчирилган гўзал нусхалари, уларга Камолиддин Беҳзод ишлаган нафис безаклар, суратлар мароқ билан кузатилади.

Айниқса фильмда Ҳирот шаҳри лавҳалари жозибали чиққан. Кўҳна ва навқирон Ҳирот манзаралари рангли лентада ажиб бир гўзаллик билан намоён бўлади. Навоий севган ва шеърларида кўп ишлатган сарв дарахтлари, Навоий ҳаёти кечган мўътабар жойлар...

Ленин фильмнинг асосий мавзуи Навоийнинг замонамиздаги обрўси, эътибори, машҳурлиги, эъзозланиши, севилиб ўқилишини акс эттиришда. Навоий номи билан боғланган кўча ва хиёбонлар, шаҳар ва театрлар жамоли кўзни қувонтиради.

Таниқли кинорежиссёр Малик Қаюмов бу қадар ранг-баранг лавҳаларни усталик билан монтаж қилиб, маъноли фикрлар занжирига тизган.

Фильмга танланган мусиқий лавҳалар, Навоий шеърларидан олинган парчалар, Тошкент радиоси диктори Қодир Маҳсумовнинг ширали овози уни янада нафис, ёқимли қилиб юборган. Атоқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймонов ёзган сатрлар мазмундор, пишиқ бўлиб, улуғ шоир ҳаёти ва ижодини кенг ёритиб беради.

Фильм Ўзбек хроникачиларининг улуғ шоир юбилейига қилган ажойиб совғасидир.

М. ЯҲЪЕЕВ.

Тошкентдаги 3-босмахона коллективи Алишер Навоий юбилейига атаб китоблар босмоқда. Ҳозир улуғ шоирнинг 12 ва 13-томлари тайёрланмоқда. Суратда: муқова цехининг назоратчиси Ҳабиба Муҳаммаджонова босилган китобларни кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ШИФОКОРНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Республикада хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати Аркадий Михайлович Волохвянский эл-ликта илмий асар ёзган, шу асарларнинг ҳаммаси инсон умрини узайтиришга, касалликларга қарши курашишга, касалликларнинг олдини олишга бағишланган. У, бир неча илмий оммабоп фильмларнинг автори-дир. Улуғ Ватан уруши йилларидаги мардлиги, юксак ташкилотчилик қобилиятлари учун унга саккизта ҳукумат мукофоти берилган. А. Волохвянский Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош втизиаторидир.

Кечасию-кундузи соғлиқ посбони бўлиб туриб, рувчи кишилар 23 февралда ўз касбдошининг 60 ёшга тўлганлигини ва унинг даволаш, илмий ва жамоат фаолиятининг 35 йиллигини нишонлаш учун Ўзбекистон сил касалликлари илмий тадқиқот институтининг мажлислар залига тўпландилар. Юбилярни Ўзбекистон ва мамлакатимизнинг бошқа районлари кўпгина медицина муассасаларининг вакиллари табриклидилар, унга эсдалик адреслари тақдим этдилар. (ЎзТАГ).

Республикада биринчи

Охунбобоев номли республика медицина билим юрти қошидаги стоматологик поликлиникада сунъий тиш ўрнатувчи, юқори частотали ток билан ишлайдиган аппарат ишга туширилди.

А. МАВЛОНОВ.

Профессор Ҳ. Муродова (чапдан биринчи) шогирдлари билан.

ТОШКЕНТИМ

Собир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири.

Аё шаҳри азим, арзим қилай изҳор Тошкентим,
Сўрай ҳолингни назмимда яна такрор, Тошкентим.
Сенинг жисмингдаги ларза менинг жонимни титратди,
Ўшал кунлар сенам бемор, менам бемор, Тошкентим.
Ҳақиқатни ёпиб, ойни этак бирлан тўсиб бўлмас,
Юрак-бағрим эзар, кўрсам, чиқиб ҳар бор, Тошкентим.
Гаҳи тунларда тўлғандинг, менам қўйнингда тўлғандим,
Сариғ чодир аро ойлар ётиб бедор, Тошкентим.
Бошингга тушди зўр кулфат, касофат — ер қимирлашдан,
Агар эски замон бўлса: эди душвор, Тошкентим.
Шукурларким, замон созу ҳамма соғу саломатмиз,
Етишган бу фалокатдан кўриб озор Тошкентим.
Буюк давлат, улуғ даврон бошингга соябон бўлгач,
Демак мумкин эмас ҳаргиз «эрур афгор Тошкентим!»
Етиб келди азиз дўстлар, қадрдонлар, қариндошлар
Вагонларга кўмак ортиб талай меъмор, Тошкентим.
Яқин йиллар кўриш мумкин бўлур кўрку салобатда
Яна кўркам, яна созу яна гулзор Тошкентим.
Гўзал боғу хиёбонлар, гўзал ойнаванд уйлар,
Бўлиб дилбар яна ортиқ, яна дилдор Тошкентим.
Тушиб вайрона ўрнига ҳашамли қасри олийлар,
У чоғ Собирга бўлмас кўнгли «тангу-тор» Тошкентим.

АНДИША

(МАСАЛ)

Фалакнинг гардиши бир вақт қилиб «ноз»,
Куркавой бўлибди хўрозга устоз.
Устози қошида югуриб-елиб,
Ҳурматин жойига қўйибди келиб.
Чарм эшик ортида, стол тўрида,
Курна буйруқ берар ўнгу-сўлига:
«Хузуримга кирсин, шогирдим хўроз!»
Фақат унга мансуб бу йўғон овоз.
Кириб келди шогирд бошини эгиб,
Таъзимдан манглайи бахмалга тегиб.
Насиҳат бошлади шогирдга устоз:
«Қани, ол қўлингга, қалам ва қоғоз...
Қулоқ сол, пандимга, эй, жўжа укам,
Теракдай бўйинг бор, лекин илминг кам,
Кўп ўрган биздайин олим-донодан,
Дори ясалади мақка-санодан...
Гўшт-ёғ ва сувдан тузилган одам.
Асабинг бузилса сайр қил дамо-дам...
Буни қулоғингга осиб, уқиб ол,
Қолганини ўзинг топиб ўқиб ол...»

Курканинг «илми»ни жим тинглар хўроз
Дилида кинояи, тилда «жуда соз!»
Аслида куркага илм берган ўзи,
Яхшики унутмай, ёдлабди сўзин:
Оламнинг ҳовлидан кенглигини ҳам,
Юлдузлар Қуёшга тенглигини ҳам,
Еримиз тубида не борлигини,
Наҳанг-у ҳўкизлар бекорлигини,
Совуқдан жисмлар мўрт бўлишини,
Икки карра икки тўрт бўлишини,
Парвоз қилишнинг ҳам йўлин кўрсатган,
Барини куркага хўроз ўргатган.
Аммо индаёлмас, пешанада тер,
Чидайди, кутади, устоз нима дер...
«Не қилай, айтмайман, одоб сақлайман,
Чунки эрта-индин унвон ёқлайман».

* * *

Ҳа, шундай, гоҳида унвон дардида
Хўрозлар бош эгар курна олдида.

Маҳкам МАҲМУДОВ.

Боқий ҳаёт

ЛАВҲА

Хона эшиги қия очилди. Ёруг ва озода хонада ўтирган оқ халатли аёл ялт этиб эшикка қаради, кимнингдир киришини кутди. Эшик яна ёпилди.

Ҳанифа опа ўрнидан туриб, эшик томон борди:

— Киринг, марҳамат, онахон,— таклиф қилди у остонада турган нуроний аёлга.

— Ишингизга ҳалақит бермадимми, дўхтир қизим, — деди она ийманиб.

— Йўқ, йўқ. Бемалол, тортинманг...

Аёл гапни нимадан бошласам экан, деб иккиланиб турарди.

—Барака топинг, — деди у ҳаяжонланиб, — бугун қизим Файзихонни олиб кетяпмиз. Раҳмат сизга, уни сиз ўлимдан сақлаб қолдингиз. Шуни айтгани кирувдим. Биз томонларга ҳам боринг, ҳурсанд бўламиз.

...«Тез ёрдам» самолёти Файзихонни Маргилондан оғир аҳволда келтирди. «Юрак кучсизланган, қоннинг ҳаракати сust... Операция қилиш керак». Ҳанифа опа шундай қарорга келди. Файзихон операция столи устида. Унинг бутун умиди Ҳанифа опада. Жарроҳ бу операциянинг нихоятда оғир ва масъулиятли эканлигини сезиб турибди. Лекин шифокор ўзини йўқотмади. Бор билим ва тажрибасини ишга солди. 21 баҳорни кўрган Файзихоннинг ҳаёти совет медицинасининг қудрати, жарроҳнинг моҳир қўллари туфайли сақлаб қолинди.

Бундай воқеалар хирург Ҳанифа Нуруллаевна Муродованинг ҳаётида ҳар куни бўлмаса ҳам кунора такрорланиб туради...

Каттақўрғонда туғилиб ўсган Ҳанифа жуда ёшлигидан врач бўлишни орзу киларди. Бу орзу уни Москва медицина институтига етаклади. Ҳар бир киши қалбига яқин ва азиз студентлик йиллари бошланди. Ханифа ўзининг ўткир зехни, воачлиқ касбига муҳаббати билан тенгқурларидан ажралиб турарди. Лекин бу шодлик кунлари узоққа чўзилмади, дахшатли уруш бошланди.

1941 йил Ҳамма душманга қақшатқич зарба беришга, Ватан ҳимоясига отланди. Ханифа ҳам харбий шифохонада ҳамшира бўлиб ишлай бошлади, ўқишни ҳам ташламади. 1943 йилнинг 20 августи унинг ёдидан сира чиқмайди. Шу куни Ханифа институтни битириб, имтиёзли диплом олди. Довюрак қиз эртаси куниёқ дўстлари билан жангга жўнади. Улар тушган эшелон тўппа-тўғри жанг қизғин кетаётган 1-Белоруссия фронтига борди. Ханифа врач Василий Васильевич Яковлев раҳбарлигидаги дала шифохонасида ишлай бошлади. Ўша оловли кунларни шифокор шундай ҳикоя қилади:

— Биз госпиталга эндигина етиб борувдик. Огир бир ярадорни келтиришди. Вақт ярим кечадан ошган, шам хира липиллайди. Унв юқори кўтаришса яранг кўриб бўлмайди, пастроқ тутишса эриб, бемор баданига тушади. Василий Васильевич кекса бўлгани учун операцияни менга топширди. Операция салкам уч соат давом этди. Ўзи эса билмаганимни гушунтириб турди. Ўша кундан бошлаб оғир операциялар менинг гарданимга тушди...

1945 йили уруш ғалаба билан тугагач Ҳанифа Муродова Москвага кайтиб келди. Ҳанифанинг қобилиятини, медицинага бўлган иштиёқини сезган институт ходимлари уни ўз сафларига олдилар. Еш, тажрибали шифокорнинг тадқиқотчилик фаолияти бошланди. У лабораторияда машғулотлар ўтказабошлади. СССР Медицина Фанлари академиясининг ҳакиқий аъзоси, хизмат кўрсатган фан арбоби Иван Гурьевич Руфанов Ҳанифани ўзига ординатор қилиб олди, унинг илмий ишига раҳбар бўлди.

1953 йили Москвада умумий хирургиядан кандидатлик диссертациясини ёқлаган Ханифа Муродова фаннинг янги, юқори чўққиси сари дадил интилди. Кундузлари клиникада тажриба ишлари олиб борса, тунда керакли адабиётларни ўқиди, изланди.

Монголия Халқ Республикасига Совет врачлари юборилаётган эди. Касбдошлари қатори Ханифа Нуруллаевна ҳам бу сафарга отланди. Монголияда 3 йил хизмат қилди. У ерда республика касалхонасида ишлади, медицина университети студентларига жарроҳлик илмидан дарс берди, ўнга яқин шогирд етиштирди...

«Юрак — ҳаёт. Юракни эҳтиёт қилиш керак. Уни касалликдан асраш, даволаш лозим» деб таълим берарди жарроҳлар отахони СССР Медицина Фанлари академиясининг президенти Александр Николаевич Бакулев. Еш олима Ҳанифа ҳам ана шу соҳани чуқур ўрганиш ниятида А. Н. Бакулевга шогирд тушди. 1963 йили Ханифа Муродова кўкрак хирургиясидан докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бугун Ҳанифа фан доктори, таниқли хирург. Юрак касалликларини даволашда медицинада янгилик яратди. Илгарилари юраги стенокардия, миокард инфаркти бўлган беморларга умид қилинар, антибиотиклар берилар эди. Бунинг натижасини эса ойлаб кутиш керак бўлар эди. Олима ана шу касаллик билан азоб чекаётган беморларга тиг билан ёрдам берди — операция қилиш йўли билан даволаш мумкинлигини исботлади. Фаннинг ечилмаган яна бир жумбоғини ечди. Медицина фани соҳасидаги бу нодир ишга Ватанимизнинг жуда кўп шаҳарларидаги кўзга кўринган олимлар юксак баҳо бердилар.

Профессор Ханифа Нуруллаевна Муродова бир неча йилдан бери Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг хирургия кафедрасига, 15-касалхонанинг хирургия клиникасига бошчилик қилади. Ошқозон, ичак, ўпка, юрак касаллигига дучор бўлган беморлар Ханифа опанинг қўлидан шифо топади. Ханифа Нуруллаевна моҳир врач, сермаҳсул олим бўлиш билан бирга меҳрибон устоз ҳамдир. Бу шифокорнинг шогирдларини республикамиз шаҳарларида, қардош республикаларда ҳам учратасиз. Улар Ханифа опадан жарроҳлик касбининг нозик томонларини ўрганишган.

Биз яқинда Ханифа опа клиникасида бўлдик. Бу ерда шифокорнинг шогирдлари — Нуриддин Бойматов, Латиф Нажмиддинов, Дамир Шокиров, Темир Саидхонов, Миролим Қодиров ва бошқалар устозлари билан бирга инсон саломатлиги йўлида меҳнат қилишяпти.

Профессор хонаси. Стол устида чет эллардан келган хатлар, медицинага оид ҳар хил журналлар, илмий ишлар... Ханифа опа ҳамма нарсага вақт топади: хатларга жавоб ёзади, илмий ишга баҳо беради. Иттифоқимизда унинг элликка яқин илмий ишлари босилиб чиқди. Италия ва Руминия журналларида ҳам хирургияга доир мақолалари босилди. Эрта-индин юрак мускул касаллигини хирургия йўли билан даволаш темасидаги монографиясини медицина нашриётига топширади.

Профессор Ҳ. Н. Муродова жамоат ишларига ҳам актив иштирок этади. У Ўзбекистон хирургия жамияти президиумининг секретари, институт партия бюросининг аъзоси, илмий секретарь. Унинг меҳнатлари юксак тақдирланган. Ханифа опага «Қизил юлдуз» ордени, бир неча медаль, қўмондонлик раҳматномалари берилган.

Интилганга толе ёр деганларидек, Ҳанифа опа ҳам ўз тақдири учун курашган ва орзусига етган аёллардан. У қўлда тиг билан инсонларга ҳаёт бағишлар экан, уларнинг умрида боқий яшайди.

Клара ШУКУРОВА.

Ер тўғрида бир шингил

ФАРҒОНА. Яйпан посёлкасида ташкил қилинган автобаза Ўзбекистон ва Киров район пахта тозалаш заводлари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа муассасаларга хизмат қила бошлади.

С. Холматов.

* * *

ТОШКЕНТ. Авиация техникумини битириб чиққан бир группа студентлар техник-механик дипломини олиб, республикамиз шаҳарларида ишлаш учун жўнаб кетдилар.

А. Нодиров.

* * *

САМАРҚАНД. Пайариқ районидаги Ленин номли колхозда янги ҳаммом ишга туширилди. 50 хўжалик янги уйларга кўчиб кирди.

Н. Холиқов.

* * *

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Кегайли районида уч қаватли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Янги мактабда 1000 бола таълим олаётир.

О. Хўжанбоев.

* * *

САМАРҚАНД. Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхозда 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб, болалар боғчаси, 800 ўринли кинотеатр бинолари ишга туширилди.

Р. Уролов.

* * *

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида 75 ўринли туғруқхона фойдаланишга топширилди.

Ю. Абдусалимов.

* * *

ФАРҒОНА. Ўзбекистон район Яйпан шифохонаси ҳузурида «Тез ёрдам» станцияси ташкил қилинди.

Н. Мақсудов.

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИ ҚЎПАЙСИН

Партиямиз Марказий Комитети ва ҳукуматимизнинг 1961 йилги махсус қароридан сўнг мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда чет тилларни ўқитиш анча яхшиланди. Республикамизда бу борада рўёбга чиқарилган ижобий ишлардан бири ўрта мактаблар учун ўзбек тилида дастлабки дарслик ва методик қўлланмалар тайёрланганлиги бўлди. Булар орасида Я. Р. Беньяминов ва Т. Мирсоатов тайёрлаган «Немис тили грамматикаси» дарслиги ўқитувчиларга жуда маъқул тушди. Шунингдек «Немис тили» деб аталган методик қўлланма ҳам мактаб ўқитувчиларининг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Лекин ҳамма гап шундаки, мактабларимизда қимматли ўқув қуроллари бўлиб қолган бу дарслик ва методик қўлланмани бирор кутубхона ёки бошқа жойдан топиш амри маҳол. Чунки улар бундан тўрт-беш йиллар аввал озгина нусхада босилганича қайта чиқарилмаган. Республикамизнинг маълум ва махсус «Ўқитувчи» нашриёти ушбу зарур қўлланмаларни яна қайта, бу сафар анча кўп нусхада нашр этишини истаймиз, орзиламиз.

ЎҚИТУВЧИЛАР: — **У. АРСЛОНБЕКОВА, У. НЕЪМАТОВ, И. ҲАКИМОВ, К. ИСОҚОВ** ва БОШҚАЛАР.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Геология фанини ривожлантириш, республика халқ хўжалиги учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Владимир Иванович **Попов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Г. ОСТАНКОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИРРИГАТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика сув хўжалиги учун инженер кадрлар тайёрлаш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари учун Тошкентдаги Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти гидромелиорация ишларини механизациялаш факультетининг декани Александр Григорьевич **Останкова** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 23 февраль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. Г. ХРОЛИКОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига малакали юридик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари ва республикада гражданлик қонунларини ишлаб чиқишда актив қатнашганлиги учун Тошкент область адвокатлар коллегияси президиуми раисининг ўринбосари Иван Григорьевич **Хроликовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 23 февраль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Р. КАРИМОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Прокуратура органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда муваффақиятларга эришганлиги учун Хива райони прокурори Раҳим **Каримовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 23 февраль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. А. ВАСИЛЬЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Юксак ижрочилик маҳорати учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг балет солисти Виталий Анатольевич **Васильевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 23 февраль.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. ЮСУПОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада балет санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг балетмейстери Иброҳим **Юсуповга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 23 февраль.
Тошкент шаҳри.

ПОЙТАХТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЕШЛАР УЙИ

«Пахтакор» стадиони билан Санъат саройи яқинида ўн қаватли бино «Ешлар уйи» қад кўтармоқда. Бу ерда 350 ўринли меҳмонхона, кафе-ресторан, чойхона, кино, концерт ва спорт заллари, ҳовуз, туристлар клуби ишлайди.

ҚОРАҚАМИШДА

Тошкентнинг Ғарб томонида ташкил қилинган массивга Қорақамиш номи берилди. Бу ерда 600 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилади. 70 минг квадрат метр уй-жой Октябрь байрамигача фойдаланишга топширилади.

ОЛИМПИАДА ШАҲАРЧАСИ

Чиғатой кўчаси ва Қорақамиш массиви ўртасидаги 18 гектар майдонда Олимпиада шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Бу ерда спортнинг 20 тури бўйича мусобақалар ўтказиш мўлжалланган.

СЕЙСМИК СТАНЦИЯНИНГ ЯНГИ АДРЕСИ

Шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан «Тошкент» сейсмик станциясининг янги биноси Анҳор ва Хуршид кўчаларига яқин жойда қурилади.

ЯНГИ ПАРК

Булғор шаҳарчасида бир йўла 800 вагонни қабул қиладиган вагон ремонт парки фойдаланишга топширилди.

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР КАФЕСИ

Агар ўзбек паловини, уйғур мантисини, грузин чехонбилисини, украин борщини кўнглингиз истаса Карл Маркс кўчасида янги ишга тушган «Миллий таомлар кафеси»га марҳамат қилинг!

Э. ҚОДИРОВ.

Суратда: Тошкентда қурилган республика олий партия мактабининг ётоқхонаси. Бу улкан бино 600 киши учун мўлжалланган.

И. Глауберзон фотоси.

МЕДИКЛАР конференцияси

САМАРҚАНД. Бу ерда республикаларо медицина илмий конференцияси очилди. Конференцияда Ўрта Осиё республикаларн ва Қозоғистон илмий тадқиқот институтларининг, шунингдек СССР Медицина фанлари академиясининг вакиллари қатнашмоқдалар. Конференция асосий паразитар касалликлар, уларнинг олдини олиш ва даволаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

Медиклар анжуманида бу соҳадаги энг янги тадқиқотлар тўғрисида ахборотлар, паразитар касалликларни тугатиш учун олиб борилаётган амалий кураш тажрибасини умумлаштирувчи докладлар тингланади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Цзаофанлар ва хунвэйбинлар ҳукмрон Мао Цзэ-дун гуруҳининг кўрсатмасини бажариб, вилоятлардаги партия комитетларини ва давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйилган органларини тор-мор келтирмоқдалар. Бир қанча жойларда улар янги органлар туздилар. Уларнинг фикрича бу органлар айни бир вақтда партия ишини ҳам, давлат ҳокимиятини ҳам амалга оширишн лозим. Бироқ, Хитойдан келаётган хабарларда айтилишича, Хитой матбуотининг таъбири билан айтганда «Раис Маонинг энг содиқ шогирдлари» бўлган хунвэйбинлар ва цзаофанлар вилоятларни бошқаришни, саноат корхоналарига ва қишлоқ коммуналарига раҳбарлик қилишни уддалай олмаётирлар. Шу сабабли, дейилади информация агентликларининг хабарларида, Мао Цзэ-дун партия ходимларининг бир қисмини оқлаб, уларни «янги революцион тартиб» яратиш ишига тортиш тўғрисида фармойиш берган. Эндиликда «Хунци» журнали янги ҳокимият органларига цзаофанлар ва армия вакиллари билан бир қаторда илғариги маҳаллий раҳбарларнинг бир қисмини ҳам киритишни таклиф қилмоқда. Аммо, бунинг учун мазкур маҳаллий раҳбарлар ўзларининг «Раис Маога содиқ» эканликлари тўғрисида сўз беришлари шарт.

«Маданий революция» ташкилотчилари, биз ҳамма жойда «қатъий ғалаба» қозондик деб даъво қилмоқдалар. Шу билан бирга Хитойдан келаётган кўпгина хабарлар шуни кўрсатиб турибдики, ҳақиқатда Мао Цзэ-дун тарафдорлари фақат саккиз вилоят ва бир-неча шаҳардагина аҳволни контроль қилиб турибдилар. Бир қанча районларда хунвэйбинлар ва цзаофанлар кўрсатилаётган қаршиликни бостира олганлари йўқ. Мао Цзэ-дунга қаршилик қилаётганларнинг ҳаммасини бостириш тўғрисида буйруқ олган армия қисмлари кўпинча томошабин бўлиб турибди.

— Вазиятни кескинлаштираётган яна бир нарса шуки, Мао тарафдорлари, деб аталган исёнкорлар орасида катта-катта жанжаллар пайдо бўлди. Цзаофанлар ташкилотларининг ҳар қайсиси ўзини Мао Цзэ-дунга содиқ қилиб кўрсатишга ва шунга яраша ҳукмронлик қилишда кўпроқ ҳуқуқ олишга ўринмоқда. Болгария телеграф агентлиги мухбирининг хабарида айтилишича, цзаофанлар назорати остидаги бир қанча шаҳарларда ҳокимият бир ташкилотдан иккинчи ташкилотга ўтиб турибди. Аммо, бир-бирига ғанимлик қилаётган бу ташкилотлар бир-бирларини «контрреволюцион фаолият» билан шуғулланишда айблямоқдалар. Мен, деб ёзади мухбир, Пекиндаги «революционерларнинг» бир группаси бошқа бир группани завод территориясига киритмаётганлигини бошқа ажнабий мухбирлар билан бирга ўз кўзим билан кўрдим.

Айни вақтда Тибет партия комитетининг ҳам секретари бўлган Чжан Го Хуа қўмондонлигидаги ҳарбий қисмлар Тибетда Мао Цзэ-дун тарафдорлари бўлган унсурларга қаршилик кўрсатишга давом эттирмоқда. Киодо Цусин агентлиги мухбирининг хабарида айтилишича, Тибетда армия қисмлари 9 ва 10 февралда хунвэйбинлар билан цзаофанларни ҳайдаб юборгандан бери ҳеч қандай жиддий воқеалар бўлгани йўқ. Пекин хунвэйбинлари Пекинда тарқатилган варақаларда, Чжан Го-Хуа Тибетда «оқ террор»ни авж олдирди, деб нолимоқдалар.

Рейтер агентлигининг хабарида айтилишича, Мао Цзэ-дуннинг уч вилоят — Хубэй, Сичуань ва Хэнан вилоятларидаги ҳарбий қисмларда бўлган мухолифлари Мао Цзэ-дун тарафдорларидан ўзларини ҳимоя қилмоқ учун «мудофаа пакти» тузганлар.

(ТАСС, 23 февраль).

ПОЛЬШАДА БЎРОН

ВАРШАВА, 22 февраль. (ТАСС). Кеча Польшадаги Вроцлав шаҳри ва қуйи Силезиянинг бир қисмида кунининг иккинчи ярмида кучли бўрон бўлди. Польша матбуот агентлиги хабар беришича, шамолнинг кучи секундига 35 метрга етди.

Бўрон Вроцлав шаҳар хўжалигига анчагина зарар етказди. Баланд уйларнинг томлари учиб тушди, электр симлари зарарланди, дарахтлар илдизи билан ағдарилди.

Польша Халқ Республикаси Опольск воеводлигига ҳам зарар етказилди. Кўпгина жойларда электр симлари узилди ва телефон алоқаси бузилган.

ПЕНСАКОЛАДАГИ ТЕРГОВ

НЬЮ-ЙОРК, 23 февраль. (ТАСС). Флорида штатидаги Пенсакола шаҳарчасининг маъмурлари Томас Киллам деган кимса вафотининг ғалати вазиятни текшира бошладилар.

Бу текшириш Киллам қариндош-уруғларининг талаби билан бошланди. Улар, Килламнинг нomаълум шахслар узоқ вақт таъқиб этганликлари ва тазйиқ кўрсатганлиги натижасида ўлганлигини айтдилар. Гап шундаки, президент Жон Кеннедига суиқасд қилинган вақтда Киллам Далласда яшаган. Унинг хотини Жек Рубининг тунги ишратхонасида ишлаган, дўстлари эса президент Кеннедини ўлдиришда айбланган Ли Освальдни танигандар.

Матбуот хабарларига кўра, президентнинг ўлимидан кейинроқ «номаълум айғоқчилар» Киллами таъқиб қила бошлаганлар. Улар Киллами тергов қилиб, унга дўқ қилганлар. 1964 йил мартда Киллам Пенсакола кўчаларидан бирида ўлар ҳолатга келтириб жароҳатланган ҳолда топилган.

СОВЕТ САВДО ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЭРОНДА

ТЕҲРОН, 23 февраль. (ТАСС). СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев бошчилигидаги совет савдо делегацияси кеча Теҳронга келди. Делегация иккала мамлакат ўртасида узоқ муддатли савдо битими тузиш тўғрисида Эрон ҳукумати билан музокара олиб боради. Ҳозир амалда бўлган Совет — Эрон савдо шартномасининг муддати шу йил март ойида тугайди.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон парламентининг халқ палатасига ҳамда штатлар ва иттифоқ территориялари қонун чиқарувчи мажлисларига ўтказилган сайловнинг дастлабки натижалари олина бошлади.

22 февралгача бўлган маълумотларга кўра, Уттар Прадеш штатидаги Рае-Барели сайлов округидан марказий парламентга сайланиш учун овозга қўйилган Бош министр Индира Ганди ўзининг энг яқин рақиби — мустақил номзод Бишен Чандру Ситхдан олдинда бормоқда.

Ҳукмрон Ҳиндистон Миллий конгресс партиясининг номзодлари жуда кўпчилик штатларда, жумладан, ўнг партиялар ғалаба қозонишга умид қилган штатларда ҳам ўз рақибларидан олдинда бормоқдалар.

Ҳиндистон Миллий конгресс партияси Деҳлининг иттифоқ территориясида халқ палатасига ўтказилган сайловда жиддий мағлубиятга учради.

СОВЕТ САНЪАТИ ВИСТАВКАСИ

ТУНИС. Тунисниинг маданият ва ахборот масалалари билан шуғулланувчи давлат секретари Шедли Клиби шу ердаги совет санъати виставкасини очиб, «бу виставка» ривожланиб бораётган Тунис — Совет маданий муносабатларида ажойиб воқеадир» деб айтди. Виставкага барча Иттифоқдош республикалардан келтирилган ҳайкалтарошлик, суратнашлик ва графиканинг 80 та асари қўйилган.

СИЕСИЙ БЮРО ТУЗИЛДИ

БАНГИ. Форт-Ламида (Чад) мамлакат ҳукмрон партияси — Чад прогрессив партияси Сиёсий бюросининг составн эълон қилинди. Шу кундан эътиборан партия раҳбарлик органи 24 кишидан иборат бўлади. Сиёсий бюронинг янги составига эски составдагилардан етти киши киритилмади.

Чад прогрессив партиясининг шу йил 5-10 январь кунлари бўлиб ўтган VI съездида партия Сиёсий бюросининг составн тўғрисидаги масала муҳокама қилинган эди. Съезд делегатлари сиёсий бюро составини тарқатиб юборишн тўғрисида қарор қабул қилиб, партиянинг бош секретари, республика президенти Франсуа Томбалбай бошчилигида тўрт кишидан иборат партия муваққат раҳбар комитетини сайлаган эди. Шу комитетга уч ой мобайнида Сиёсий бюронинг янги составини тузиш топширилган эди.

ИСРОИЛДА ИШСИЗЛИК

ТЕЛЬ-АВИВ. Утган йилнинг охирида Исроилда 85 минг киши, яъни мамлакатдаги ҳамма ишчиларнинг тўққиз процентн ишсиз эди. (ТАСС).



МАДЕЙРА — Африканинг ғарби—шимолий соҳилларидан 550 километр нарида жойлашган Атлантик океанидаги вулқондан келиб чиққан оролдир.

У тоғ тепаларидан иборат бўлишига қарамай, иқлими ва табиати жиҳатдан оромбахш жой. Экономиканинг негизини қишлоқ хўжалигн ташкил этади. Бу ерда узум, банан, шакар қамиш етиштириладн. Маҳаллий соҳибларнинг «Фирмен идиши»—мадейраси бутун жаҳонга машҳур. Португалияликлар оролга 1419 йилда келиб қолишган. Шундан кўп вақт ўтмай Португалиянинг бош шаҳри Мадейра Фуншал пайдо бўлди. Оролда туристлардан келадиган тушимлар катта даромад манбаи ҳисобланади. Суратда: Фуншал. Порт.

С. Преображенский ва А. Катков фотоси (ТАСС фотохроникаси).

АРГЕНТИНА ЛОЙИҲАСИ БАРБОД БЎЛДИ

БУЭНОС-АЙРЕС, (ТАСС). Америка давлатлари ташкилотининг аъзолари бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг бу ерда ўтаётган учинчи фавқулодда конференцияси қатнашчилари Аргентина вакилининг Америка давлатлари ташкилоти уставига киритган тузатиш лойиҳасини кўпчилик овоз билан рад этдилар.

Мазкур лойиҳа «Мудофаа консультатив комитети», деб аталадиган ташкилотга «Агрессияга қарши коллектив мудофаа» тайёрлашда кенг ваколатлар берилишини Америка давлатлари ташкилоти доирасида қонунлаштиришни кўзда тутар эди. Латин Америкаси делегатларининг фикрига кўра, шу лойиҳа қабул қилинганида Америка давлатларининг доимий кучларини тўплашда дастлабки қадам қўйилган бўларди. Бу эса Қўшма Штатларнинг сир тутилган айни муддаоси бўларди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар. 9.30 — Чолғу куйлари. 9.45 — «Порлоқ истиқбол» (тож.). 10.10 — Социалистик мамлакатлар эстрада артистларининг концерти. 10.30—Қўшиқ ва романслар. 11.10 — «Элга хизмат-олий ҳиммат». 11.25 — Қўшиқлар. 12.15 — Спорт (рус.). 12.30 — Концерт. 13.30 — Концерт (Совет эстрадаси артистлари). 17.20 — Уйғур куйлари. 18.10 — Болтиқ бўйи халқларининг куйлари. 18.30 — М. Ашрафий. «Темур Малик» симфоник поэмаси. 19.20 — Озарбайжон куйлари. 20.00 «Октябрь» радиостанцияси. 20.30 — «Қишлоқ радиоклубида». 21.20 — «Қонли сароб» (Ҳамза номли театр спектаклининг монтажи). 23.10 — Дам олиш кечаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 14.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 15.00 — Ярим аср илмомаси. А. Раҳмат, **Абдулла Набиев** (шаҳар 14-профессионал-техника мактаби ўқувчилари санъат ҳаваскорларнинг спектакли олиб кўрсатилади).

Ўзбек тилида: 17.00 — **Қувноқ минутлар** (болалар учун). 17.30 — **Телеэнциклопедия.** 17.45—**Халқ кандидатлари.** 18.05 — **Шарқ халқларининг қўшиқ ва рақслари** (Совет артистлари ижросида).

18.50 — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.20 — **Олим бўлсанг — олам сенинки** («Ешлик» студияси).

20.15 — **Телеэнциклопедия** (рус тилида).

20.25—**Эртаги кун программаси.**

20.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 17.00 — **Бир бор экан-у, йўқ экан** (болалар учун) 17.20 — **Сўнгги мўри тозаловчи** (болалар учун мультфильм). 17.30 — **Кутб тунн кириш олдидан** (илмий-оммабоп фильм). 17.50 — **Спорт янгиликлари.** 18.30 — **Опа-сингил Логиновалар куйлайди.** 18.45 — **Телеэнциклопедия.** 18.55 — **Матрос Чижик** (бадиий фильм). 20.15 — **Югославия эстрадаси юлдузи.**

Ўзбек тилида 20.40 — **Қуёшли республика** (ҳужжатли фильм). 21.00 **Телеэнциклопедия.** 21.10 — **Совет ашуласи куйлари** (Кара-Караев). 21.50 — **Юрак кечирмайди** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 25/II да **Дилором**, 26/II да кундуз **Семург**, кеч кузун **Евгений Онегин.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 25/II да **Улимдан ночор.** 26/II да кундуз **Вероналик икки йигит**, кечқурун **Ўғирланган умр.**

МУКИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/II да **Тошболта ошиқ**, 26/II да кундуз **Қалам қошлигим**, кечқурун **Равшан ва Зулхумор.**

КИНО

Эльбадаги учрашув — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Уларни афтидан танирдилар — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «СПУТНИК», САНЪАТ САРОЙИ, «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда ва кундуз соат 4, кеч 8 да).

Ойи, мен солдат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МИР» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (ярталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Алвидо — «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда). **«СПУТНИК»** (кундуз соат 12 ва 4 да).

ПУШЧИК Прагага боради — «ЧАЙКА» (ярталаб соат 10 да).

СССР ИЎЛ ҚУРИЛИШ ВА КОММУНАЛ МАШИНАСОЗЛИГИ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН «СРЕДАЗКАЗАХСТРОМОБОРУДОВАНИЕ» бошқармасига

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон шаҳарларида ишга тушириш ва созлаш ишларини бажариш учун **старший инженерлар ва инженер-электриклар, контроль-ўлчаш приборлари ва автоматика бўйича электриклар; техник-электриклар ва электр симлари бўйича электриклар,** қурилиш индустрияси корхоналари ускуналарини созлаш ва саноат қурилиши материаллари бўйича **слесарлар, старший инженерлар, инженерлар ва техниклар, электр ва газ пайвандчилар;**

Бошқармада ишлаш учун **план бўлими бошлиғининг ўринбосари, план бўлимининг старший инженери, план бўлимининг меҳнат ва иш ҳақи бўйича старший инженери, машинистка ва юк ташувчилар**

КЕРАК

Командировкага юборилганларга белгиланган тартиб бўйича кундалик ва квартира ҳаражатлари тўланади, ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент шаҳар, Бородинский кўчаси, 7 уй,кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон — В3-16-56.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ПРОКАТГА

берувчи Тошкент область кино-конторасига

ҳисобчи бухгалтер, секретарь, машинистка, кино-техника инспектори лавозимида ишловчи тажрибали техник ёки киномеханик, омборчи-хўжалик мудири, фильмларни назорат қилувчи, шунингдек, фильмларни назорат қилиш учун шогирдлар

КЕРАК

Адрес: Тошкент Заводская кўчаси, 35-уй, телефон — 5-28-03.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛ-ЭКСПЛУАТАЦИЯ ТРЕСТИГА

автомобиль йўллари эксплуатацияси билан таниш бўлган **инженерлар ва старший инженерлар, старший бухгалтер, ҳисобчи-кассир, старший прорабларр** ва йўл ишчилари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор райони, Кичик Қозировот кўчаси, 64 уй. (9, 11, 15-трамвайларнинг «Дружба народов» остановкаси, мактаб ва Чилонзор, Муқимий кўчаларининг ўртасида).

«УЗГИПРОКОММУНИНЖПРОЕКТ» ИНСТИТУТИГА

газлаштириш, водопровод ва канализация бўйича **инженер ва техниклар, электриклар,** қўқаламзорлаштириш бўйича **агрономлар, сметачилар, машинистналар, топографлар, ишчилар, омбор мудирлари** ва коммунал хўжалик объектларини проектлаш бўйича **мутахассис** бўлишни хоҳлаган ўрта маълумотли кишилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Володарский кўчаси, 10-уй, (4, 41- автобусларнинг «Академгородок» тўхташ жойи).

ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИГА

моддий бўлимнинг **старший бухгалтери, старший экономист, бухгалтер, кассир**

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 103-уй.

АЖОЙИБОТЛАР... ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР...

ХАВФЛИ СЪЁМКА

«Жаннатдаги гўзал қизлар» фильми суратга олинаётган эди. Операторлар камералар ёнида ўёқдан бўёққа ўтиб юришар, «гўзал қизлар» ролини бажаришга жалб қилинган артистлар мизансценада кўрсатилган жойларда туришар — хуллас фильм Австралиянинг шарқий қирғоғида сув остида суратга олинарди. Сценарий бўйича фильм қаҳрамони (артистка Лорейн Лей) ва яна икки қиз «тасодифан» чўнб кетаётган кемага дуч келиб қолишади. Хамма иш планда мўлжаллангандек давом этмоқда. Қизлар кемага эндигина яқинлашай деганда сув ости жаннатида ҳеч кимнинг хаёлига келмаган денгиз илони пайдо бўлиб қолди. Шуни ҳам «тўғри» ва ҳаққи, қизлардан бирортаси ҳам ундан қўрқишмади. Лорейн ҳатто «Жуда соз! Шу камлик қилаётган эди!» деган ишора берди. Илон тезлик билан қизларга яқинлашар, фильмни суратга олаётган оператор эса кинокамерани мўлжалга зўрга тўғрилаб улгурарди. Оператор денгиз илони одатда кишиларга биринчи бўлиб ҳужум қилмаслигини билар, шунинг учун ҳам у суратга олишни хотиржам давом эттирарди. Бироқ, бу илон ҳеч каёққа бурилмасдан тўғри Лорейнга қараб отилянти, Қиз илон бошини, кўзларини бемалол кўриб турарди.

Оператор ҳам хавотирлана бошлади: илон одатдан ташқари катъийлик билан ҳужум қиларди. Оператор кинокамерани ташлаб сувга яқинроқ келганда илон эдиий эмас, балки денгиз илонлари орасида энг захарлиси—«Олив Браун» эканлигини кўрди. Бу илон жуда кам учрайди. Бироқ, у жуда ҳам сертаъсир заҳар чиқаради. У чақса киши бир сутка мобайнидаёқ жон беришн мумкин. Оператор камерани ташлаб, қизларни ҳимоя қилишга югуради. Шу пайтда илон Лорейнни кемага қисиб қўйган эди. Сўнгги дақиқаларда оператор жуда чаққонлик билан сузиб илоннинг бошини муваффақ бўлди.

ЎҒРИ КИМ?

Америкадаги банклардан бирида шов-шув кўтарилиб кетди. Кассада 500 доллар етишмаслиги.

— Мен, — дерди биринчи кассир банк директорига, — иккинчи кассир билан бирга кассадаги бор пулларни яна бир марта текшириб ва санаб чиқдим. Бироқ, барибир 500 доллар етмаяпти.

— Бўлмаса, жиноий ишлар қидирув полициясига хабар бериш керак, — совуққина жавоб берди директор.

Полиция ҳар иккала кассирни ҳам камаб қўйди. Улар ишлаган ҳонада доимий пост ташкил этилди. Тушки овқат пайтида, навбатчи полициячи кофе ичиб ўтириб, деразадан ҳонага чиқиб кетган тўтиқушга кўз ташлади. Тўтиқуш касса столига қўндида, қоғоз пулни ташлаб... ташқарига чиқиб кетди.

Амазонка водийсида кўп тарқалган ва ўргатилган бу тўтиқуш ўлжасини банк каршисида истиқомат қиладиган ўз хўжайинига ташиб турганини аниқлаш унча қийин бўлмади. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам қамашга тўғри келди: «ўргатувчи» турмага, «ўғри» ҳайвонот боғига жўнатилди.

(«ВОКРУГ СВЕТА»дан).

Ризнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши—В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги—В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34651. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В36679, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 48. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 00682.